



Ислом Нури

Мусулмонларнинг ҳожатларини рано қилишнинг фазли | 1

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:
 Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, душманига топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқарса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқаради. Ким мусулмон кишидан битта ғамташвишини аритса, Аллоҳ ундан Киёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини Киёмат куни яширади» (Муттафакун алайҳ).

Мусулмонларнинг ҳожатларини рано қилишнинг фазли | 1



Ҳадис Ҳадис) «Ҳадиси Абу Хурайра Ҳадиси Ҳадиси Абу Хурайра Ҳадиси Ҳадиси Абу Хурайра Ҳадиси)

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир мўминдан дунё ғамларидан бир ғамни аритса, Аллоҳ ундан қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир қийналган (камбағал)га енгиллик яратиб берса, Аллоҳ унга дунёю охиратда енгиллик беради. Ким бир мусулмонни (айбини) яширса, Аллоҳ уни (айбини) дунё ва охиратда яширади. Банда модомики биродарига кўмак бераркан, Аллоҳ унга кўмак бераверади. Ким илм излаб бир йўлга кирса, шу сабабли Аллоҳ унга жаннат йўлини енгил қилиб кўяди. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бир уйда тўпланишиб, Аллоҳ азза ва жалланинг китобини тиловат қилиб, ўзаро дарс қилиб ўрганишса, улар устига Аллоҳ томонидан сокинлик туширилади ва уларни раҳмат ўраб олади ҳамда фаришталар уларни қуршаб оладилар ва Аллоҳ таоло Ўзининг ҳузуридаги зотларга уларни зикр қиласди. Кимни амали секинлатган бўлса, насаби уни тезлата олмайди» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Мусулмонларнинг, хусусан улар ичидаги заиф кишиларнинг ҳожатларини раво қилиш учун елиб-югуриш Аллоҳ ва Пайғамбари яхши кўрган ва Аллоҳ таоло кўп ажру савоблар ваъда қилган ишлардандир. Ким бир биродари билан бирга унинг ҳожати учун юрса, Аллоҳ таоло унинг ҳожатларини раво қилаверади ва дунёю охиратда унга Ўзи мадад беради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:



Ислом Нури

1. Мусулмонларнинг, хусусан заифларнинг ҳожатларини раво қилишга ҳаракат қилиш фазилатли ишлардан саналади;
2. Ким мусулмон биродарига ёрдам берса, Аллоҳ унга муҳтожлик пайтида ёрдам беради.
3. Ким мусулмоннинг айбини яширса Аллоҳ унинг айбини дунё ва охиратда яширади.